

## Рамазон шукуҳи



19:30 / 28.04.2022 2397

Рамазоннинг сўнги кунларидамиз. Муборак ойнинг 26 дан 27 кунга ўтар кечаси Тошкент шаҳри жомеъларида Қуръони Карим хатмоналари якунланди. Ҳар бир масжидда бетакрор Рамазон шукуҳини ҳис қилмоқ мумкин эди.

Камина Рамазоннинг илк кунидан бошлаб «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъсида Қуръон ходими Ҳасанхон қори Яҳё Абдулмажид (Аллоҳ ҳифзида сақласин!) ортида сомеъ бўлиб турдим. Ҳар куни Қуръон қироати ва тафсирига оид илмларни сўз ва ҳол ила ўзлаштирган уламонинг файзидан баҳра олдик.

Қори ака: «Юртимиз бўйлаб бир ярим минг масжидда Қуръон хатм қилинмоқда, бу кўрсаткичнинг дунёнинг бошқа қайси давлатида бор эканлигини билмайман», деди.

Аллоҳ таоло қадим Туркистон, шонли Мовароуннаҳр диёрига Қуръон нури ва баракасини ёғдирди. Бутун Ислом оламига, башарият дунёсига хизмат қилган авлиё ва олимларни тарбиялаган бу муаззам диёр одамлари қалбида бугун илоҳий дин қайта уйғонаётганлигини ҳис қилдим.

Албатта, улкан руҳоний чўққилар ва маънавий марралар олдида бу ишлар кичик кўриниши мумкин, лекин асл диннинг чинакам бағрикенг руҳи, мағиз ҳикмати намоён бўлаётир деб ўйлайман. Бу шукур ва сабр соҳибларига янада ёрқин кўринаётган бўлса, ажаб эмас. Зотан, халқимиз дин билан ўзини таниган ва дин билан буюкликка соҳиб чиққан халқдир. Илоҳий динни қабул қилган ва уни юксалтирган элдир. Оловли йилларда динни кафтида чўф сингари ушлаб асраган миллатдир бизнинг миллатимиз.

Халқимизга холис бўлиб динни етказаётган барчага, хусусан, Ҳасанхон қори Яҳё Абдулмажид (Аллоҳ паноҳида асрасин!) жанобларига Рамазоннинг муборак тонгида Аллоҳ таолодан куч-қувват, нусрат ва фатҳлар тилайман. Элимиз ўз динига хотиржамлик билан амал қилиши, ибодатларини эмин-эркин адо этиши учун шароит ҳозирлаган президент Шавкат Мирзиёевга ва унинг атрофидаги барча яхши инсонларга хайрли амаллари учун ташаккурлар айтаман.

Амаллар ниятларга боғлиқ экан, ҳиммат ниятларда ўзини кўрсатар экан, барчамизга хуш ниятлар, баркамол ва баланд ҳимматлар, уларга эришмоқ учун тўқис қувватлар ато этишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

**Ақром Малик**